

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 20 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 35 (10.844)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ Бир кунни Янгиликлар, воқеалар

Кеча сатрларда

● **АКЦИЈАДОРЛИК** тижорат «Пахта» банкнинг Чилонзор туман бўлимида Маънавият тарихот марказининг туман бўлими томонидан уюштирилган давра суҳбати «Шоир ва саркарда» деб номланди.

● **КЕЧА** Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети қошидаги Чилонзор академик лицейида Чилонзор туман ўрта махсус, касб-хунар ўқув юртлири етакчилари иштирокида «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши томонидан уюштирилган ўқув семинари «Мен бахтли ўзбекман» деб номланди.

● **МИРОБОД** туманидаги 175-мактабда БУГУН туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамда «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида ўқув муассасалари ўқувчилари, тумандаги олий ўқув юртлири талабалари ўртасида шахмат бўйича мусобақа уюштирилди.


● **РЕСПУБЛИКА** Болалар кутубхонасида «Оғолик—давр талаби» мавзуда тадбир ўтказилди.

● **ХАМЗА** туманидаги 282-мактабда БУГУН туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ЁИХ туман бўлими Кенгаши ҳамкорлигида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Сиз кунини биласизми?» мавзуда кўрик-танлов уюштирилди.

● **АЛИШЕР** Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Миллий тикланиш демократик партияси марказий кенгаши ҳамкорлигида уюштирилган илмий-амалий анжуман Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигига бағишланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЎТГАН ЙИЛНИ ЯХШИ КЎРСАТКИЧЛАР БИЛАН ЯКУНЛАГАН ШАҲРИМИЗ КОРХОНАЛАРИ ЯНГИ ЙИЛДА ҲАМ ИШНИ ЯНАДА КЎТАРИНКИ РУҲДА БОШЛАДИЛАР. ШУНДАЙ ИЛҒОРЛАРДАН БИРИ «PGS» ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ ЖОРИЙ ЙИЛДА ҲАМ ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАГАН ҲОЛДА МЕҲНАТ ҚИЛМОҚДА.



Иқтисодиёт БҮЮРТМАЧИЛАР МАМНУН

Пойтахтимизда бир неча йиллардан буён самарали фаолият юритаётган мазкур корхона тиббиёт ҳамда озиқ-овқат саноатида кенг қўлланиладиган сифатли, ишлатишда қулай, чиройли дизайни ҳамда нисбатан арзон электр маҳсулотлари билан нафақат республикамизнинг ички бозорини таъминламоқда, балки рақобатбардош ускуналарини кўшни давлатларга ҳам экспорт қилмоқда.

—Бугунги кунда корхонамиз жамоаси,— дейди «PGS» хусусий корхонаси директори, тадбиркор раҳбар Полянт Свешников,—20 турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқда. Эътиборли томони, ишчи-хизматчиларимиз янги товарлар яратиш устида доимий изланишда бўлиши билан бирга, аввалги маҳсулотларни янада мукамаллаштириш, уларга янгилик киритишдан чарчашмайди. Ўтган йили бошланган ишланмалар асосида жорий йил охиригача яна 8-10 турдаги янги хариддор-гир маҳсулотлар яратишни эзгу мақсад

қилганмиз. Шу турдаги хорижда, ҳамдўстлик давлатларида ишлаб чиқарилган электр ас-



сандал, тиббиёт қуштаклари, тандирлар буюртмачиларни мамнун қилмоқда.

Электр маҳсулотларида сополдан кенг фойдаланилади, маълумки у экологик тоза, инсон саломатлигига безарар ҳамда диэлектрик (хавфсиз) ҳисобланади. Шу боис ҳам хусусий корхонанинг маҳсулотлари туман, шаҳар ҳамда республика миқёсида ўтказилган кўрик-танлов, ярмаркаларда кўп бор намоиш этилган ва совриндор бўлган.

Умумий меҳнат учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган. Ишчи-хизматчиларнинг асосий қисмини эса ёшлар ташкил этади. Бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда изланиш, янгилик яратиш корхонанинг муваффақиятига, бозорда ўз муносиб ўрнини топишига омил бўлиши аниқ.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА СУРАТЛАРДА: «PGS» хусусий корхонаси иш фаолиятидан лавҳалар. Азамат Аҳмедов олган суратлар

«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАН ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА»

Ўзбекистон Республикаси Президент Ислам Каримовнинг 2006 йилда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши яқунлари ҳамда 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни муҳим устуворликларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишидаги маърузасини дунё оммавий ахборот воситалари ана шундай шарҳламоқда. Эълон қилинаётган репортаж, хабар ва таҳлилий мақолаларда Ўзбекистон етакчиси ўз чиқишида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида рўй бераётган жараёнларни ҳар томонлама таҳлил этибгина қолмасдан ечимини кутаётган энг долзарб масалаларни ҳамда иқтисодий тараққиёт йўналишларини белгилаб бергани қайд этилади.

Хитойдаги «Жэньмин Жибао» газетаси 2006 йили Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари таъминланганига эътибор қаратади. «Мамлакат ялпи ички маҳсулот ҳажми 7,3 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 10,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши 6,2 фоизга, пулли хизматлар 19,3 фоизга, шартнома асосидаги қурилиш ишлари ҳажми 12,8 фоизга ошди. Ўтган давр мобайнида мамлакат ташқи иқтисодий фаолиятининг ҳажми ва кўламлири кенгайди. Товар маҳсулотлари экспорти 31,5 фоизга ошиб, ташқи савдо айланмасидаги ижобий сальдо қарийб 2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида 2006 йилда 570 мингта иш ўрни яратилди, аҳолининг иш ҳақи 36 фоизга ошган», деб ёзади нашр.

Президент И.А.Каримовнинг мазкур маърузасига бағишланган ахборотлар

Россиянинг «ИТАР-ТАСС» ва «Интерфакс» ахборот агентликлари каналлари орқали ҳам ёритилди. Тарқатилган материалларда диққат-эътибор Ўзбекистон Президентининг республикадаги ялпи ички маҳсулот ўсишининг юқори суръатлари аънаваный хом-ашё тармоғи эвазига эмас, балки рақобатбардош тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобига таъминлангани ҳақидаги сўзларига қаратилган. «ИТАР-ТАСС» давлатимиз раҳбарининг «2006 йили иқтисодиётнинг ўсиши 2000 йилга нисбатан таққослама баҳоларда 45 фоизни ташкил этди. Бунда саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 22,1 фоизга, хизматларнинг улуши эса 39,5 фоизга етган», деган сўзларини келтиради.

«Интерфакс» «Ўзбекистон ҳукумати иш ҳақини ошириш, хусусий мулк ҳимояси ҳамда сармоялар жалб этишга алоҳида эътибор қаратиш ниятида» сарлавҳали хабарида қайд қилишича, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов 2007 йилнинг биринчи даражаси вазибалари орасида иқтисодиёт ўсишининг изчил суръатларини таъминлашни, тизимли ўзгариш ва модернизациялашни рўёбга чиқариш, солиқ сиёсати либераллаштирилиши давом эттирилишини белгилаб берди. «Ислам Каримов 2007 йил бюджет параметрларини парламент тасдиқлагани, у жорий йилда ялпи ички маҳсулотни 7,7 фоизга, саноат ишлаб чиқаришини — 7,8 фоизга, қишлоқ хўжалигини — 5 фоизга ошириш режалари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилганини эслатди. Иқтисодиёт тармоқлари ривожлантирилишига жалб этиладиган сармоялар ҳажми 25,5 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда, қатъий пул-кредит сиёсати шароитида пул кадрисизланиши дара-

жаси эса 5 — 7 фоиздан ошмаслиги керак», деб ёзади Россия ахборот агентлиги.

Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг маърузасини шарҳлар экан, **Британиянинг Би-би-си агентлиги** 2006 йили Ўзбекистонда таълим тизимини такомиллаштиришда сезиларли натижаларга эришилганини қайд этди. Бунда у жорий йили республикада мазкур жабҳани янада яхшилашга йўналтирилган қатор лойиҳаларни рўёбга чиқариш кўзда тутилаётганига эътибор қаратади. Мамлакат ижтимоий сиёсатидаги бу йўналишнинг муҳимлигини таъкидлар экан, Би-би-си мамлакат раҳбарининг «маърифатли ёш авлод — Ўзбекистоннинг энг катта бойлигидир» деган сўзларини келтиради.

Осиё-Тинч океани ахборот агентликлари ташкилоти Президент И.А.Каримов маърузасига бағишланган ўз ахборотида Ўзбекистонда фермерчилик тараққиёти мавзусига алоҳида эътибор қаратган. «Республикада фермерлик ҳаракати ўсувчан суръат билан ривожланиб бормоқда, деб ёзади агентлик. Унга салкам 190 минг хўжаликдаги 1,4 миллион нафар киши жалб этилган. Агар 2000 йилда мамлакатда етиштирилган пахта хом ашёсининг 21 фоизи ўзбекистонлик фермерлар ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2006 йилда бу кўрсаткич 86 фоизга етди. Фалла етиштиришда уларнинг улуши 15 фоиздан 75 фоизга етди».

Нуфузли **«Global Insight» таҳлил компанияси** Президент Ислам Каримов 2006 йилнинг яқунлари билан бир қаторда 2007 йилдаги иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларини ҳам белгилаб берганига эътибор қаратади: «Мамлакат раҳбари, жумладан, ялпи ички маҳсулотнинг жадал ўсишини таъминлаш, иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқарувчи

соҳаларини ривожлантириш, аҳолига тўланадиган ижтимоий тўловларнинг ҳажмини ошириш, кичик тадбиркорликнинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётда хусусий сектор ҳиссасини юксалтириш, банк ва молия соҳаларидаги ислохотларни чуқурлаштиришга давъат этди», — деб ёзади «Global Insight».

Президент маърузаси, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг ишбилармон ва ижтимоий-сиёсий доиралари вакилларида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Ўзбекистон раҳбари маърузасини шарҳлар экан, улар мазкур чиқиш нафақат Ўзбекистон иқтисодиётидаги аҳвол билан ҳар томонлама танишиш, балки мамлакат билан яқин бир неча йил ичидида ҳамкорлик стратегиясини ишончли тарзда ишлаб чиқиш имконини ҳам беришини қайд этмоқда.

Голландиянинг «Van Der Ploeg International B.V.» қишлоқ хўжалик компанияси бошқарувчи директори Йохум Ван Дер Пулхунинг айтишича, унинг компанияси Ўзбекистонга истикболли ва мафтункор бозор сифатида қарамоқда.

— Мамлакат ҳукуматининг қишлоқ хўжалигида хусусий сектор улушини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлари юксак баҳога созвордир, — дейди тадбиркор. — Компаниямиз Ўзбекистон билан қорамол етказиб бериш, сутчилик ва парранда фермаларини тузиш борасида ҳамкорлик ўрнатиш ва алоқаларни ҳар томонлама кенгайтиришдан манфаатдордир. Президент Ислам Каримов маърузасида келтирилган далил ва статистика маълумотлари бизга ишонч бағишлаб, амалий ҳамкорликка имкон қадар тезроқ ўтиш учун жуда яхши туртки бўлиб хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тизими раҳбарлари фаолиятига оид қонун ҳужжатлари билан таништириш ҳамда уларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий ва ҳуқуқий билим ҳамда малакаларини ошириш мақсадида Самарқанд вилоятида ўтказилган навбатдаги семинарда 1200 дан зиёд маҳалла оқсоқоли иштирок этди.

● Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кенгайтирилган хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда қўмитанинг ўтган йил давомидаги фаолияти танқидий жиҳатдан таҳлил қилинди.

● Урганчда Ўзбекистон фермер хўжаликлари уюшмаси Марказий Кенгашининг сайёр йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят филиаллари раҳбарлари ҳамда фермерлар қатнашиб, улар мамлакатимизда фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда етакчи кучга айланганини, ўтган йили ҳам кўзланган натижаларга эришилганини таъкидладилар.

● Давлат солиқ қўмитасининг кенгайтирилган Хайъат йиғилишида Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида Президентимиз томонидан давлат солиқ органлари фаолиятига танқидий нуқтаи назардан ёндошилиб, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг самарали тизимини яратиш ва уларни назарда тутувчи комплекс дастурни ишлаб чиқиш юзасида белгилаб берилган муҳим вазифаларга эътибор қаратилди.

● Фарғонада Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик бошлаб юборилди. Шу муносабат билан вилоятда байрамолди ҳашари уюштирилди. Оммавий ҳашар давомида Тошкент Ахборот технологиялари университети Фарғона филиалида хиёбон ташкил этилиб, унга гул ва дарахт кўчатлари экилди. Университет ҳудудида жойлашган ушбу масканга «Маънавият хиёбони» номи берилди.

● Хоразмда беш мингга яқин ҳаваскор спортчилар иштирокида «Биз гиёвандликка қаршимиз» шиори остида оммавий югуриш марафони ўтказилди. Вилоят марказида ташкил этилган марафон иштирокчиларининг аксариятини мактаб ўқувчилари, талаба-ёшлар ташкил этади. Тадбир давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан Урганч шаҳридаги кам таъминланган, ижтимоий муҳофазага муҳтож оилалар фарзандларига спорт кийимлари топширилди.

ЖАҲОНДА

● АҚШ Президенти Жорж Бушнинг Ироққа яна қўшимча 20 минг кишилик ҳарбий контингент жўнатиш ҳақидаги шу йил 10 январда қабул қилган қарорини мамлакат Конгрессининг вакиллар палатаси маъқулламади. Мазкур резолюция мажбурий кучга эга бўлмасда, лекин унинг қабул қилиниши Бушнинг Ироқдаги стратегиясига вакиллар палатасининг илк бор ишончсизлик билдирганлигини аниқлатади.

● Кипр Республикаси келгуси йил 1 январдан мамлакатда евро валютасини жорий этиш ниятида ва шунинг учун ҳам еврога ўтиш бўйича Европа Иттифоқига ариза берди.

● Эрон ва Европа Иттифоқи мамлакатнинг ядро муаммоси юзасидан икки томонлама музокараларни қайта тиклаш бўйича келишиб олди. Айтиш кераки, МАГАТЭ жорий йилнинг 23 февраль куни Эроннинг ядро-вий дастури юзасидан БМТ Хавфсизлик Кенгашига ҳисобот топширишни режалаштирган.

● Кеча Москва областининг парранда гриппи тарқалган бешта туманида оммавий вакциналаштириш ишлари бошланди. Бунинг учун 1 миллион дозада вакциналар тахт қилиб қўйилди.

● Кеча Хиндистоннинг Нью-Дехли шаҳридан Покистоннинг Лахор шаҳрига йўл олган 500 нафар йўловчиси бўлган поездда Панипат шаҳри яқинида кетма-кет портлашлар рўй бериб, кучли ёнгин кўчқонлиги оқибатида 67 киши ҳаётдан кўз юмди, 50 га яқин йўловчи тан жароҳатларини олди. Хиндистон маъмурулари томонидан бу ҳодиса террорчилик ҳаракати деб баҳоланмоқда ва ушбу иш юзасидан гунодор кимса қўлга олинди.

● Буюк Британияда кейинги бир ой давомида 7 та турли муассасаларга бомбали хатлар юборган шахс кеча хибсага олинди. Маълумки, ушбу хатларнинг тўрттасининг портлаш натижасида етти киши жабрланган эди. Почта террорчисининг 20 ёшга яқин йигит эканлиги айтилиб, у Кембрижга яқин ерда қўлга олинган.

● Афғонистондаги коалиция кучларига бошчилик қилаётган АҚШ қўмондонлигининг маълум қилишича, мамлакат жануби-шарқида вертолётнинг ҳалокатга учраши натижасида 8 киши ҳаётдан кўз юмган, 14 киши жароҳатланган. Вертолётнинг ҳалокатга учрашдан олдин экипаж аъзолари двигателда муаммо юзга келганини хабар қилишган.

● Япония оммавий ахборот воситаларида чоп этилган хабарга қараганда, 2007 йил апрель ойидан бошлаб Токио шаҳрининг турли йўналишлари бўйлаб қатновчи 64 та автобус одатдаги бензиндан эмас, балки биологик ёнилғида ҳаракатланади. Ушбу ёнилғи эса соя ёки пальма мойи, шунингдек, ҳайвон ёғи ёки ўсимлик мойи асосида тайёрланади.

ТАДБИРКОР

худудий бошқармаларига ўтган йилда 5320 тадан ортқ ариза ва мурожаат келиб тушган бўлиб, уларга амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Палата вакиллари назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган 400 га яқин текширувда иштирок этди. Назорат қилувчи органлар томонидан ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида палата томонидан бош прокуратура ва солиқ кўмитаси билан биргаликда 20 дан зиёд семинар-йўналишлар ўтказилди ва уларнинг самараси тадбиркорлар фаолиятида акс этмоқда. Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашини чеклаш ҳамда давлат назорати органлари томонидан асосиз текширувларни бартараф

зим?» деб номланган махсус фильм суратга олинди, сайта жойланди.

Палата чет эл мамлакатлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, маҳаллий тадбиркорларга хорижий ишбилармонлар билан бизнес алоқаларини ўрнатиш ва махсулотларининг ташқи бозорда харидорлигини таъминлашга кўмаклашиш ишларида катта эътибор қаратиб келмоқда. Шу боис ҳам махсулот экспорт қилувчи тадбиркорлар дуч келадиган масалалар муҳокамасига бағишланган экспорт салоҳиятини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари бўйича семинар ва давра суҳбатлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Ушбу йўналишлар бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқдаки, бу тадбиркорлар сафининг сон ва сифат жиҳатидан кенгайишида катта аҳамият касб этиб, уларнинг республикамиз иқтисодиёти ривожидидаги улуғи ҳам ортиб бормоқда.

Мамлакатда қулай ишбилармонлик иқлимини яратиш палатанинг асосий вазифалари сирасига киради. Ана шунинг учун давлат органлари, хусусий сектор ва халқаро молия институтлари ўртасида доимий ва конструктив мулоқотни ўрнатиш мақсадида палата томонидан 2005 йилда Бизнес-Форум ташкил этилган. Форум доирасида иқтисодий ислохотларнинг асосий йўналишлари бўйича 9 та комиссия (ҳайъат) тузилган бўлиб, уларнинг фаолиятида 1,5 мингдан ортқ давлат бошқаруви, хусусий сектор ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этди. Ҳозирги вақтда комиссиялар доимий равишда иш олиб боради ва уларнинг фаолияти палата ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури (БМТТД) ҳамкорлигидаги «Ўзбекистон Бизнес-Форуми» лойиҳаси томонидан мувофиқлаштирилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ўтган йилда палата томонидан тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини мунтазам қўллаб-қувватлаш ва ҳимоялашнинг самарали механизмининг яратиш борасида фаол иш олиб борилди. Палата давлат органлари билан биргаликда 40 дан зиёд янги қонунлар, Президент Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари каби ҳужжатларнинг ишлаб чиқиши ва муҳокамасида иштирок этди. 70 дан ортқ меъёрий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ҳукумат қўриб чиқиши учун киритилган 5 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш борасидаги ишлар якунига етказилиб, бунда асосий диққат-эътибор ушбу жараёнга тадбиркорларнинг имкон қадар кенг қўламини жалб қилиш ва халқаро тажрибани инобатга олишга қаратилди. Мисолларга мурожаат этидиган бўлсак, палата қошида

янги таҳрирдаги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш вақтида турли тадбиркорлик субъектларидан тушаётган таклифлар таъ-

Палаталарда УСТУВОР ВАЗИФАЛАРГА ЭЪТИБОР

МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИДА, МУЛҚДОРЛАР САФИНING ОРТИШИДА, АЛБАТТА, УЛАРГА ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАККА ШАЙ ТУРГАН ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИНING ЎЗИГА ХОС ҲИССАСИ БОР. ПАЛАТА ФАОЛИЯТИНИНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯЛАШ ВА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШНИНГ МУСТАҲҚАМ ҲАМДА САМАРАЛИ ТИЗИМИНИ ТАЪМИНЛАШ, ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ ТАШҚИ БОЗОРЛАРГА ЧИҚИШЛАРИ УЧУН ҲАР ТОМОНЛАМА КЎМАК БЕРИШ, МАМЛАКАТ ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ, ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЗАРУР БЎЛГАН ИНФРАТУЗИЛМАНИ ЯРАТИШ ВА ТАДБИРКОР КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДАН ИБОРАТ.

линини амалга оширувчи Фискал сиёсатини тақомиллаштириш комиссиясининг ишчи гуруҳи доимий асосда иш юритмоқда.

Ўтган йилда палатанинг юридик хизматини мустаҳкамлашга эътибор қўйилди. Дастлаб палатада 18 нафар ҳуқуқшунос фаолият юритган бўлса, бугунги кунда тадбиркорларга республиканинг барча ҳудудларида мунтазам равишда ҳуқуқий хизматларни кўрсатиб келаётган 100 нафарга яқин ҳуқуқшунослар гуруҳини алоҳида кўрсатиш лозим.

Палата ва унинг худудий бошқармалари томонидан 20 мингдан зиёд тадбиркорлик субъектларига турли хил ҳуқуқий кўмак кўрсатилди. Давлат органларига тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича 500 дан зиёд илтимосномалар йўлланди. Шунингдек, палата ва унинг

этиш учун назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи худудий комиссиялар қошида жамоат кенгашлари иши ташкил этилди. Ўз олдида қўйган вазифаларни бажариш мақсадида 2006 йил мобайнида жамоатчилик кенгашлари томонидан оммавий ахборот воситаларида жуда қўллаб самарали чиқишлар уюштирилмоқда. Назорат қилиш органлари томонидан қонунбузарликларни аниқлаш ҳамда таклифларни ўрганиб чиқиш мақсадида республикамиз бўйича 844 та «Ишонч қутиси» ўрнатилган ва тушган шикоят ва таклифларга чора-тадбирлар белгиламоқда.

Текширувлар соҳасидаги билимларни ошириш муҳим аҳамият касб этишини инобатга олган ҳолда республика вилоятларида 400 тадан зиёд семинарлар ўтказилди. Палата томонидан «Текширув вақтида ўзингизни қандай тутишингиз ло-

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, икки йиллик фаолияти давомида палата Ўзбекистон ва 11 та чет эл мамлакати тадбиркорлари ўртасида 4 та кооператив бижреси ўтказди. Уларда 450 нафардан ортқ хорижий ва 1,5 минг нафардан зиёд маҳаллий тадбиркорлар қатнашиб ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатиш имконига эга бўлишди. Ишлаб чиқарувчиларимизнинг ташқи бозорларда ўрин топишига кўмак бериш мақсадида Республика Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги билан биргаликда ўтказилган 12 та кўргазмада 400 та компаниянинг иштироки таъминланди. Шунингдек, чет элларда Савдо-саноат палатаси аъзоси бўлган тадбиркорларга хизмат кўрсатувчи 8 та ваколатхона ва савдо уйлари очилди.

Чет эл инвестициялари ва замонавий технологияларни жалб қилиш, бизнес таълимини ривожлантириш, тадбиркорлик фаолияти учун малакали мутахассислар тайёрлаш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Палатанинг худудий бошқармалари қошида фаолият юритувчи Ахборот-маслаҳат марказлари томонидан ўтган йилда турли йўналишдаги қисқа муддатли ўқув курсларида 16 мингдан зиёд тадбиркорлар ўқитилди. Бозор кўникмаларини ривожлантириш маркази билан биргаликда 4 мингдан ортқ тадбиркорлик субъектлари бизнес таълими соҳасида билимларини оширди.

Сирасини айтганда, жорий йилда режалар янада юксак бўлиб, асосий эътибор тадбиркорларни палата аъзоллигига жалб этиш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш, чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда рақобатбардош махсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни хорижага чиқариш бўйича жадаллаштиришга савий-харажат қилинмоқда. Палата мамлакатимиз тадбиркорларининг ҳақиқий суяничи ва таянчи бўлишдек эзгу мақсадни қўзлаб, бу йилда изланишларга катта эътибор қаратмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

«ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТНИ ҲАР ТОМОНЛАМА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДАН ИШОНЧ БИЛАН ОДИМЛАМОҚДА»

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизни бир ярим йил муқаддам бошлаган ҳолда Тошкентда иккита тўқимачилик корхонасини очганимиз, — дейди Голландиянинг «Dinana Fashion» компанияси бош директори Х.Гулпер. — Ўтган қисқа вақт мобайнида биз Ўзбекистон раҳбариятининг тўқимачилик саноатини ривожлантириш ва мамлакатда қулай сармоя муҳитини яратишга қаратаётган юксак эътиборини ўзимиз ҳис этиб улгурдик. Айнан мана шу эътибор туфайли мамлакат Президент Ислоҳ Каримов томонидан айтиб ўтилган ривожланишнинг юқори суръатларига эришмоқда. Шу ўринда Ўзбекистонда таълим соҳасига ҳам жуда катта эътибор қаратилаётганини айтиб ўтишни истар эдим. Бу мавзу Президент маърузасида атрофлича ўз ифодасини толган ва мен бу йилда амалга оширилаётган чоралар ўзининг ижобий натижасини бераётганини мамнуният билан қайд этишни хоҳлар эдим. Айни пайтда юртингизда ўз корхоналарини очётган сармоядорлар малакали кадр ва мутахассислар билан боғлиқ ҳеч қандай муаммоларга эга эмас».

Жаҳон божхона ташкилоти катта ходими В.Микеладзенинг фикрича, Ўзбекистон экспортининг 31,5 фоизга ошгани мамлакатнинг халқаро иқтисодий алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётгани ва у секин-аста жаҳон иқтисодиётига интеграциялашаётганидан далолат беради.

— Тўғридан-тўғри инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада кўпайгани эса хорижий тадбиркорларнинг Ўзбекистонга нисбатан бўлган ишончи тобора мустаҳкамланаётгани ва бу мафтунок бозорда ўрнашиб қолишга ҳаракат қилаётганининг ёрқин далилидир, — деди В.Микеладзе.

«Ўзбекистон раҳбарияти ҳеч қандай банданбардорлик билан шуғулланмасдан, балки иқтисодиётни шакллантириш, давлат қурилиши билан машғул бўлмоқда, — дейди Россиядаги «Мир говорит» газетасининг бош муҳаррири Виктор Матвеев. — Мамлакатнинг 2006 йилдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётига оид маълумотлар вазиятнинг Ўзбекистон учун қулай томонга ривожланаётганидан далолат беради, Ислоҳ Каримов мавжуд иқтисодий заҳираларга катта эътибор қаратиб, улардан фойдаланишнинг йўллари белгилаб берди».

Президент И.А.Каримов маърузасини шарҳлар экан, Россия Федерацияси сиёсий конъюнктура маркази эксперти Евгения Войко Ўзбекистон етакчилиги томонидан айтиб ўтилган иқтисодий жабҳага оид маълумотлар диққатга сазоворлиги, энг муҳими, улар муваффақият кўрсаткичлари эканлигига тўхталди.

— Ижтимоий фаолиятнинг деярли барча соҳаларини қамраб олган тузилмавий ўзгаришлар республика раҳбариятининг мамлакатни иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги даражага олиб чиқишга интилаётганидан далолат беради. Президент ҳокимиятнинг барча соҳалардаги иқтисодий муносабатларни эркинлаштиришга қатъий интилаётганини алоҳида таъкидламоқдаки, бу давлатнинг иқтисодиётга аралашуви қамарётгани ҳамда хусусий бизнесни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилаётганида намоён бўлмоқда, — деб таъкидлади россиялик эксперт.

«Йўлашмишча, Президент И.А.Каримовнинг маърузаси ўтган йил натижалари лўнда ифода этилгани ва 2007 йилдаги тараққиётнинг мақсад ва устуворликларини аниқ белгилаб берилгани билан диққатга сазовордир, — дейди Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси депутаты Шим Же-дук. Шу ўринда халқ фаровонлигини ҳар томонлама ошириш учун мамлакат ҳукумати қаратаётган диққат-эътиборини ҳам таъкидлаб ўтиш керак. Маъқур йўналиш Ўзбекистон раҳбарияти учун устувор бўлган ва шундай бўлиб келмоқда. Айнан шу боис маош, нафақа ва турли ижтимоий тўловларни ошириш масалалари Президент томонидан фаолиятнинг устувор йўналишлари рўйхатида киритилган. Фурсатдан фойдаланиб, Президент Ислоҳ Каримовнинг донолиги ва етакчилик қобилиятига чўқур эҳтиром изҳор этишни хоҳлар эдим. Ўзбекистон раҳбари аниқ вазифаларни ҳал этишда доимо узок муддатли истиқболларни ва вазифаларни кўра олади».



Корея Республикасида инглиз тилида чоп этиладиган нуфузли «The Korea Post» журнали президенти ва ноири Ли Кён-сик мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқлари ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

— Мамлакат яқли ички махсулот ҳажмининг жадал ўсиши, экспортнинг сезиларли даражада юксалиши, олтин-валюта заҳираларининг ошиши, шунингдек, иқтисодиётни тузилмавий жиҳатдан қайта қуриш борасидаги вазифаларнинг ҳал этилиши мамлакат раҳбарияти томонидан белгиланган иқтисодиётнинг ҳар томонлама ривожлантириш вазифалари муваффақиятли тарзда ҳал этилаётганидан далолат беради, — дейди Ли Кён-сик. — Жанубий корейлик ишбилармонлар Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон хорижий сармоядорларга стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳаларни, жумладан, автомобилсозлик, электротехника, энгил ва тўқимачилик саноати корхоналарини таклиф этишга тайёр экани тўғрисидаги сўзларига алоҳида диққат билан қўлоқ тутди.

Хитойнинг «Beijing Golden Harvest Trade Co., LTD» компанияси бош менежери Иао Юань Ўзбекистоннинг макроиқтисодий тараққиёти натижалари, ЯИМ ўсиши, экспорт ҳажмининг ўсиш суръати, олтин-валюта заҳирасининг ошиши ва тўлов балансининг барқарорлиги Халқаро Валюта Жамғармасидек нуфузли халқаро молия институтини мутахассислари томонидан юқори баҳоланганига эътибор қаратди.

— Президент Ислоҳ Каримов маърузасида келтириб ўтилган далил ва рақамлар ҳамда ХВЖ томонидан берилган юқори баҳо Ўзбекистонлик ишбилармонлар билан алоқа ўрнатиш ниятида бўлган хорижий сармоядорлар учун ўзига хос туртки бўлиб хизмат қилади, — деди Иао Юань. — Ўзбекистон Президентининг маърузасида акс этган вазиятнинг синчков таҳлили бозор ислохотларини чўқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, мамлакатдаги сармоя муҳитини яхшилаш масалалари мамлакат раҳбариятининг доимий диққат марказида турганидан далолат беради. Бу мамлакатда фаолият кўрсатаётганлар учун ҳам, бу ерга эндигина келишни режалаштираётганлар учун ҳам яна бир қўшимча туртки бўлиши шубҳасиздир.

«Жаҳон» АА




Хориж инвестициялари — иқтисодиётга ЭЛ ДАСТУРХОНИГА — СИФАТЛИ МАХСУЛОТЛАР

ТАНЛАНГАН ХОМ АШЕ СИФАТЛИ БЎЛСА, АЛБАТТА ЗАМОНАВИЙ ЛИНИЯЛАР ҚУВВАТИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИБ ТАЙЁРЛАНГАН МАХСУЛОТНИНГ ХАРИДОРЛАРИ ҲАМ КЎП БЎЛАДИ. АЙНИҚСА, ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ ТАДБИРКОР БОЗОРНИ ТИНМАЙ ЎРГАНИШ АСОСИДА ИЗЛАНСА, МАХСУЛОТ ТУРЛАРИ ВА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ҲАМ ОРТИБ БОРАДИ.

Юртимиздаги қулай инвестицион муҳит, тадбиркорликка очилган кенг йўл, албатта хорижий сармоядорларга ҳам қўл келмоқда. 2005 йилда иш бошлаган «ВИММ-БИЛЛ ДАНН Тошкент» масъулияти чекланган жамияти хорижий корхонаси ана шундайлар сирасига кириб, бу ерда маҳаллий хом ашёдан аҳоли дастурхони учун зарур, инсон организмизига ҳар томонлама фойдали, дармондориларга бой сут ва сут махсулотлари бугунги харидор талаби асосида ишлаб чиқарилмоқда ва қадокланмоқда. Цехлардаги дастохлар хусусида тўхталадиган бўлсак, улар Италия, Франция, Россиядан келтирилган. Айниқса, Туркиядан келтириб ўрнатилган «Тетрапак» ва «Синпак» линиялари махсулотларнинг харидориг қадокланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Энг асосий эса ушбу хорижий дастохларни маҳаллий йигит-қизлар моҳирлик билан бошқаришмоқда.



— Ишлаб чиқарилаётган махсулотлар сифатини таъминлашда, шубҳасиз малакали кадрлар бошқараётган

кефир, парҳезли сузма, йогурт, сариеғ, сметана, ряженка, сливка, сирок, қаймоқ ва бошқа махсулотлар бор. Уларни тайёрлашда эса Тошкент вилоятидаги фермер хўжалиқларидан шартнома асосида олинган сутдан самарали фойдаланяпмиз. Шуниси эътиборлики, ҳозирда махсулотларимиз нафақат пойтахт бозоридан ўз ўрнига эга бўлди, балки Тошкент ви-

лояти ва Самарқанд шаҳрида ҳам буортмачиларимиз сафи ортмоқда. 130 нафардан зиёд ишчи-хизматчининг меҳнати самараси бўлган — кунига ишлаб чиқарилаётган 10 тонна махсулот 20 дан ортқ махсус жиҳозланган автомашиналарда сифати

ларини тиклаш имкониятлари яхши кайфият бағишлайди. Албатта, моддий ва маънавий манфаатдорлик бор жойда ютуқларга эришиш йўлидаги изланишлар ҳам давом этаверади.

Ўтган йилда эришилган муваффақиятлар жорий йил режаларини белгилашда муҳим омил саналади. Шу боис ҳам корхона тадбиркорлари жорий йилда талаблар асосида ишлаб янги-янги махсулот турларини харидорларга тортиқ этишни режалаштиришган. Бунинг учун эса яна бир янги хорижий линия ишга туширилади, қўшимча ишчи ўринлари яратилиб, ишлаб чиқариш ҳажми ортади. 5 хил турдаги қаймоқ, ряженка ва кефирнинг янги турлари ишлаб чиқаришга жорий этилади. Кичик хажмларда қадокланган сут ва сут махсулотларининг таъми ва экологик тозаллигига алоҳида эътибор қаратилади.

Энг олий мақсад эса ишлаб чиқаришни тинимсиз ривожлантира бориб, фақатгина ички бозорда эмас, балки ташқи бозорда ҳам харидорлар топишди. Албатта, корхона истиқболли тадбиркорларнинг изланишларига боғлиқ. Зеро изланишлар давом этмоқда. Демак, улар ўзларининг сўт каби оқ ҳамда пок ниятларига, албатта эришадилар.

Дилноза СОДИКОВА СУРАТЛАРДА: корхона ишчиларининг меҳнат фаолияти ҳамма кизгин кечади.

Аъло Абдуллаев олган суратлар



МУЛҚКА АСОСЛАНГАН АҲЗАН

Кўпинча тадбиркор режалар ҳисобига эмас, балки мулк ҳисобига пул топгани маъқул ҳисобланади. Нима учун шундай?

Нигора Эшматова, Яққасарой тумани

Ҳар қандай режа инсонга муқамал бўлиб кўринади. Шу боис ҳам одамлар мулкдан кўра режаларни афзал кўришади. Аммо режалар ҳар хил, яъни яхши, ёмон, ўртамак бўлади. Бошланишида уларни яхши-ёмонга ажратиш анча мушкул бўлади.

Сиз тадбиркорсиз, агарда пул-ингизни йўқотишни истамасангиз, илоҳи борича режалардан йироқ туриб, уларни фақат мулкка айлантирган бирмунча афзалдир. Чунки, мулк бўлинмас ва моддий бойлик бўлиб, режа эса бу ёғ ҳамда унинг қиммати мавҳум бўлади.

Мулкни эҳтиёж бўлган тақдирда бир-икки ҳафтада сотиб, пулга айлантириш мумкин, режа эса моддий заминдан маҳрум. Мулк у қанчалик эски ва уринган бўлсада, барибир пул.

Мулк яроқсиз бўлиб қолиши мумкин, лекин ҳеч қачон режага ўхшаб ҳавога учиб бутунлай йўқ бўлиб кетмайди. Ақлли, узқон кўра оладиган тадбиркор одам мулкни ҳамма пул ёки фойдали бизнесга айлантира олади.

Ҳар бир корхона ёки фирма одатда режа ва мулкдан таркиб топади. Молия соҳасида эҳтиёткорлик ва журналистикнинг ўз вақти-соати бор. Аммо режани, мулкни ҳамда ўзингизни пухта ўрганиб чиқиш — бу ҳамма биринчи қоида бўлиши керак. Бу, албатта, бизнес дунёсига эндигина кириб келаётган тадбиркорлар учун бўлиб, бу ерда «Юриш ўрганмасдан туриб, югуришга шовилмаслик керак», деган ақида ўта муҳимдир.

Мулк билан ишлашда камда ўн йиллик тажрибага эса бўлганда кейингина режалар учун пул кўйиш ҳақида ўйлаш мумкин. Шуниси эътиборлики, мулк билан муомала қилишни билган одамни алдаш қийин. Шу боис ҳам режа ҳисобига эмас, мулк ҳисобига пул топиш маъқулдир.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ 2006 ЙИЛДА МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ВА 2007 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОХОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВАЗИРЛАР МАҚМАСАСИ МАЖЛИСИДА ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИ ЮКСАЛТИРИШ, ХУСУСАН, АҲОЛИНИНГ САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИ ЯНАДА МУСТАҲҚАМЛАШ ДОЛЗАР ВАЗИФАЛАРДАН БЎЛИБ ҚОЛАВЕРИШИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТДИ. БУ БОРАДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАЁТГАН ВА ЧЕТДАН КИРИБ КЕЛАЁТГАН МАХСУЛОТЛАРНИНГ СИФАТИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

Қарор ва ижро

СИФАТ ВА МАСЪУЛИЯТ

Айни жараёнда мамлакатимизда сифатни қафолатлаш тизими жорий этилгани давлатимиз томонидан фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган улкан эътибор самарасидир. Ҳозирги кунда «Ўзстандарт» агентлиги тизимида жаҳон андозаларига мос, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган лаборатория ва марказлар ишлаб чиқаришнинг сифатини таъминлашнинг асосий қисмига айланди. Уларнинг имкониятларидан етарли даражада фойдаланиш мақсада мувофиқдир.

Агентлик ҳузурдаги Республика синови ва сертификатлаштириш марказидан ўша муҳбирга маълум қилишларича, ўтган йилда мазкур идорага ўн бир триллион сўмликка яқин маҳсулот сифатини текшириш учун тақдим этилган бўлса, шунинг 4,3 миллиард сўмликдан ортиқроғи сифатсиз деб топилган. Шу жумладан, икки миллиард сўмликка яқин импорт маҳсулотга сифат ёрлиғи берилмаган. Демак, шунча миқдордаги сифатсиз маҳсулот бозорларимизга киришининг олди олинган. Бу билан кўплаб фуқароларимиз ҳаёти хавфсизлиги таъминланган.

Текширилаётган маҳсулотларнинг тури ва ҳажми йилдан-йилга кўпаяётгани соҳа ходимлари зиммасига алоҳида масъулият оқламакда. Мавжуд лабораториялар талабга мос равишда жиҳозланиб, янгидан-янги замонавий ўлчаш, синаш ва бошқа ускуналар билан муттасил бойитиб борилаётган. Синови лабораториялар аккредитация доираси 212 хил маҳсулотга кенгайтирилди.

Тизимда Вазирлар Мақамасининг 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиб-тартибини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида юртимизда декларациялаш йўли билан маҳсулотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш тизими жорий этилди. Тадбиркорлар учун маҳсулот ва хизматга оид ҳужжатларни тайёрлаш, экспертиза ва рўйхатдан ўтказиш жараёнида янги қулайликлар яратилди.

Марказининг муҳим фаолият йўналишларидан яна бири — метрологиядир. Зеро, харид қилган маҳсулотимизнинг нафақат сифати, балки вази ҳам стандартларга мос келиши лозим. Қийинчиликларни ўз ичига олиб, шунинг учун ўлчов воситаларининг 23 миңга яқини ишлашга яроқсиз бўлиб қолди. Бундай ҳолатга барҳам беришга қаратилган мониторинглар доимий равишда ўтказиб бориляпти.

Корхоналарда сифат тизимининг жорий этилиши бугунги куннинг долзарб вазифаларидандир. Шу боис соҳа ходимлари бу жараённинг афзалликлари ҳусусида изчил тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бораёти. Сифат тизимларини жорий қилиш бўйича қўрилган хизматлар натижасида ўнла корхонанин сифат тизими сертификатлаштирилди.

Стандарт тизими - сифат учун масъул. Мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар бир тадбиркор мазкур тизим билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаши эса эл-юрт манфаати ва фаровонлигига хизмат қилади.

Норгул АБДУРАИМОВА, Ўза муҳбири

Хашар — элга ярашар

НАВРЎЗГА ПЕШВОЗ ЧИҚИБ

ЮРТИМИЗДА БАҲОР НАСИМИ ЭСИШИГА ҲАМ ЖУДА ОЗ КУНЛАР ҚОЛДИ. ГАРЧИ ҚИШ ФАСЛИ ЎЗ ЎРНИНИ ГЎЗАЛ НАВБАҲОРГА БЎШАТИШНИ ХУШЛАМАЙ СЎНГИ ОППОҚ ҚОРЛАРИ БИЛАН СИЙЛАЁТГАН БЎЛСАДА ШАҲРИМИЗДА АЛЛАҚАЧОН ОБОДОНЛАШТИРИШ, КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ КАБИ КЎНГИЛ ЧАМАНИДА УЙҲОНГАН ИЛИҚЛИКНИ АТРОФГА ЁЙИШ ИСТАГИДАГИ БАҲОРИЙ ЮМУШЛАР БОШЛАБ ЮБОРИЛГАН.

Жумладан ўтган шанба-якшанба кунларида ҳам шаҳримиз кўчалари, корхона, ташкилотлар атрофлари, ариқ ва зовурлар, майдону хиёбонлар супуриб-сидирилиб, турли хил чиқиндилардан тозаланиб, қуриган дарахтлар олиб ташланди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази каби бир қатор корхона, ташкилотлар ходимлари фаолият билан иштирок этган ҳашарда кўпчиликнинг саъй-ҳаракати билан шаҳримиз оздоланиб муносиб ҳисса қўшилди.

— Хашар азал-азалдан халқимизнинг буюк қадриятларидан бири саналади, — дейди биз билан суҳбатда ҳашарчиларга бош-қош бўлиб, дарахтларга шакл бераётган шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси раиси Раҳимжон Нодиров. — Унда каттаю-кичик бахонидил иш-

тирок этади, ногирон, боқувчи сини йўқотган оила-ларга беминнат кўмак берилиб, моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Халқимизнинг севимли байрами — қадимдан Наврўз айди-ми кўнгида шукроналик, ҳамма маъқни озода, покиза ҳолга келтириб қутиб олишган. Анъанага содиқ ҳолда айни кунларда шаҳримиздаги 474 та маҳалланин ҳар бирида ободончилик юмушлари бошланиб кетди, десам хато бўлмади. Чунки эрта-индин қадриятларимиз гултожи эшик қоқди, уни ёру юз, покиза тилак билан саранжом-сарийшта хонадонда қутиб олиш лозим. Бугун ушбу хайри юмуддан ҳеч биримиз четда турмайлик, биз катталар ёшларга ибрат бўлайлик.

Биз шу кунни шаҳримиз кўчалари, боғу-хийобонларини кезиб бутун теварак атрофининг орасига ҳолга келганини кўрдик, бундан албатта дилмиз яйради, лекин анчик бўлса ҳам айтиш лозим, ҳали киш уйқусидан уйғона олмаётган одамлару эшигининг таги супурги кўрмаган хонадонлар, корхона, ўқув юртинларининг худудларини ҳам «гуруч орасида қурмак» бўлиб турганларини кўрдик. Уларга қарата айтгимиз келди: азиз замондош, омборингни дону дунга тўлдири, қут-баракат элчисини бўлиб Баҳорой кириб келмоқда, сен унга пешвоз чиқ, бағрингни оч, унинг муаттар бўйларидан баҳра олиб эртамининг нури кунларини поклиб, саранжом-сарийшталик билан қутиб ол. Зеро донишмандлар демишлар: тоза-озода жойдан қут-баракат, тўкинчилик аримайди.

Шаҳризода МУҲАММАДОВА
СУРАТЛАРДА: ҳашарларда каттаю кичик бирдек катнашиб, ободонлаштириш ва орас-талаш ишларига ўз ҳиссасини қўшмоқда.
Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар



Тадбирлар

«ВАТАН ФАРЗАНДЛАРИ — ЮРТ КЕЛАЖАГИ»

«ЁШЛИКДА ЎРГАНИЛГАН ИЛМ ТОШАГА ЎЙИЛГАН НАҚШ КАБИДИР».
ДОНИШМАНДЛАРДАН БИРИНИНГ БУ ҲИҚМАТЛИ ФИКРЛАРИ АСРЛАР СИЛСИЛАСИДА ЎЗ ҚАДРИНИ ЙЎҚОТМАЙ, ҲОЗИРГИ КУНЛАРИМИЗДА ҲАМ МИЛЛАТ ЁШЛАРИНИ ИЛМУ-МАЪРИФАТГА, ЭЗГУЛИККА ЧОРЛАБ КЕЛМОҚДА. БИНОБАРИН, КЕЛАЖАГИНИ БИЛИМНИНГ МУСТАҲҚАМ ПОЙДЕВОРИГА ЎРНАТГАН АВЛОДГИНА ЖАМИЯТ РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎША ОЛАДИ.

Буни яхши англаган Юнусобод тумани халқ таълими бўлими мутасаддилари ҳар йили анъанавий равишда «Ватан фарзандлари — юрт келажаги» мавзuida кўрик-танлов ўтказиб келади. Юнусобод тумани ўқувчи ёшлар текин ижодиёти марказида ўтказилган бу йилги кўрик-танлов оидликларига қараганда ҳам қизиқарлироқ, тортишувларга, мунозараларга бой тарзда ўтди.

— Бугунги кўрик-танловга туманимиздаги ўнга яқин мак-

табларнинг энг иқтидорли, истеъдодли ўқувчилари тақлиф этилган, — дейди Юнусобод тумани ўқувчи ёшлар техник ижодиёти маркази раҳбари Саодат Худойқўлиева биз билан суҳбатда. — Ўйлашимизки, ушбу кўрик-танлов ўқувчиларимизнинг билим-савиялари, истеъдод ва қобилиятларини синодан ўтказишда ўзига хос мезон вазифасини ўтайди.

Кўрик-танлов давомида ўқувчилар «Ёш билимдонлар» тренинги, «Ўзбекистон менинг тасаввуримда», «Мюстенберг» ўйини, «Менин иқтидорим» мавзуларидаги беллашувларда ўзларининг имомларига қодирликларини намойиш этишди. Нихоят ҳақамлар хайратининг яқунловчи хулосаларига кўра 122-мактаб ўқувчиси Азиз Шотемиров, 288-мактаб ўқувчиси Дурдона Каримова, 273-мактаб ўқувчиси Сардор Собировлар фахрли биринчи ўринга лойиқ деб топилдилар. Бундан ташқари тадбир давомида иккинчи, учинчи ўрин соҳиблари ҳам аниқланди.

Эндилкида тумани микёсда гоилибликни қўлга киритган иқтидорли ўқувчилар шаҳар босқунда иштирок этиб биллиларини синодан ўтказдилар.

Хидирали ПАНЖИЕВ

Туманларда

«САОДАТ ЧАМАНИ»НИНГ СЕРМАЗМУН МАШҒУЛОТЛАРИ

ЯҚИНДА «САМАРҚАНД ДАРВОЗА» МАҲАЛЛАСИ ГУЗАРИДА ШАЙХОНТОҲУР ТУМАН ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚЎМИТАСИ, МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ, «МАҲАЛЛА» ЖАМҒАРМАСИ, «КАМОЛОТ» ЁИХ ТУМАН БЎЛИМЛАРИ, ТУМАН «ОИЛА» МАРКАЗИ, ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ ҲАМДА ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОХАТ БОҒИНИНГ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ БЎЛИМИ ҲАМКОРЛИКЛАРИДА «САОДАТ ЧАМАНИ» МАКТАБИНИНГ ИККИНЧИ ЎҚУВ ЙИЛИ ОЧИЛИШИ ВА БИРИНЧИ МАШҒУЛОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда шу ҳудудда жойлашган маҳаллалар хотин-қизлари, фаоллар ва ёшлар иштирок этишди. Шунга айтиш жоизки, «Саодат чамани» мактаби Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, муайян қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолияти»ни қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда «Дин соҳасидаги маънавий-маърифий ва таълим ишларини такомиллаштириш тўғрисида»ги, шунингдек «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самара-

дорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида туман фуқаролари, айниқса хотин-қизлар ва ёшлар орасида кенг тушунтириш ишларини олиб боради. «Саодат чамани» мактабининг биринчи машғулотини Шайхонтоҳур тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Сурайё Пўлатова кириш сўзи билан очди. Шунингдек, туман Маънавият тарғибот маркази раҳбари Сабоҳат Ҳамидова Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарорини

ҳаётга татбиқ этиш борасида», Тошкент Ислам университетининг профессор Искандар Исмолов «Тошкент — Ислам маданиятининг пойтахти» мавзусида маъруза қилдилар.

— Мазкур мактабининг асосий мақсади, — дейди Шайхонтоҳур тумани Маънавият тарғибот маркази раҳбари Сабоҳат Ҳамидова, — хотин-қизлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, диний-фалсафий ва ҳаёт соҳалари бўйича саводхонлигини оширишдан иборатдир. Шу мақсадда мактаб машғулотларида диншунослар, файласуф олимлар, сиёсатшунослар, ҳуқуқ-тартибот органи ходимлари ва соҳага оид мутахассислар билан учрашувлар, савол-жавоб кечалари, баҳс-мунозарали даярлар, амалий машғулотлар, кўрик-танловлар ўтказиш кўзда тутилган. Маърузаларда ижтимоий-маънавий юксалиши борасидаги ғоялари, соҳага оид қонунлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа меъриий ҳужжат-

ларни асос қилиб олиш, уларнинг маънавий моҳиятини очиб бериш режалаштирилган. Шу билан бирга ёшлар қалбида она Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, аждодлар меросига ҳурмат, ифтихор туйғулари кини камол топтиришга қаратилган кино, видеолар, спектакллар намойиши, миллий қадриятларимиз ва тарихимиз ҳақида маълумот берувчи музей, кўргазма ва мўътабар кадам-жоларга зиёратлар уюштириш ҳам кўзда тутилган. Мактабимиз машғулотлари ҳар ойда икки мартаба, ойнинг иккинчи ва тўртинчи чоршанба кунлари режада тасдиқланган мавзулар бўйича ўтказилади.

«Саодат чамани» мактабининг навбатдаги машғулотини ҳам ниҳоятда қизиқарли ва мазмунли ўтиб, савол-жавоблар, баҳс-мунозаралар, тақлифлар асосида кечиб иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Дилорам ИКРОМОВА

АСРЛАР ОША АВЛОДУ АЖДОДЛАР СИЙМОЛАРИ ОРҚАЛИ КАМОЛ ТОПИБ, ЖИЛВАЛАНИБ, БАРЧА ҚИРРАЛАРИ ИНЖУДЕК САЙҚАЛЛАНИБ БИЗГАЧА ЕТИБ КЕЛГАН ТИЛИМИЗ, ЭНГ БЕБАҲО МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИМИЗДИР. УНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА, РАВНАҚ ТОПИБ, ЯНГИЛАНИБ ТУРИШИДА ЁЗМА МАНБАЛАР, ЯЪНИ КИТОБЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ БЕҚИЁСДИР. ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШ АВЛОДНИНГ ЗИММАСИДА ҲАЛИ ТИЛ РАВНАҚИ ЙЎЛИДАГИ ВАЗИФАЛАР КҮП. УЛАРНИНГ ҲАМ ТИЛИМИЗ ОЛДИДА БУРЧЛАРИ БОР.

Мулоҳаза

ТИЛ БИЛГАН ЭЛ ТАНИЙДИ

Энг замонавий компьютерлар, Интернет тизимлари, давр талабига жавоб берувчи технологиялар, қўйинги соҳадаги илгор янгиликларни ўрганиб ўзлаштириш учун чет тиллари-

ни яхши билишимиз керак бўлади. Чет тилини ўрганишда, ўқитишда адабиётнинг ўрни чексиз. Ҳар бир жумлани ўқиб, уни онгимизга синдирганимизда камида ўнга яқин сўз хотирамизга қолади. Энди бир тасаввур қилинг, ўртacha ҳажмдаги, масалан инглиз тилида ёзилган бир бадий асарни ўқисак, қанчадан-қанча янги ибора, сўзлар билан танишимиз, ўрганиш имконига эга бўламиз. Тил ўрганаётган ёшларимиз, ўқувчилар бир йилда бешинчи, беш-олтита бадий асарни ўқиб, ўрганиш шу асарлар бўйича имкон даражасида назорат ишларини бажарсалар, гуруҳлар, синфларо деббат тарзида муҳокама қилсалар мақсада мувофиқ бўлар эди. Натижада ҳар бир ўқувчи ёшларнинг қанчадан-қанча янги сўз ўрганиб, фикрлаш чегаралари кенгайиб, идрок этиш

қобилиятлари мустаҳкамланади. Синфларо билимдонлар беллашувини ўтказишдан ҳам кўзаланган мақсад, ўқувчилар дунёқарашини бойитиш, нутқ маданиятини ривожлантириш, сайқал бериш, сўз бойлигини оширишдан иборатдир. Синфда беллашув жараёнида берилган саволларга доир адабиётлар, қомуслар, лугатлар, услубий-библиографик тавсияномалар ва бошқа нашрлардан иборат кичик бурчак ташкил қилиш тавсия этилади. Бундай тадбирларда иштирок этган ўқувчиларнинг чет тилида фикрлаш қобилиятлари ривожланиб, ибора, сўз бойликлари ортиб боради. Илм чўққиларига интилаётган ёшларимиз дунё маънавий хазинасидан унумли фойдаланади, чет эл адабиётларини мутолаа қилиб, ўргансалар, ўрганаётган тилларини мукамал

ўзлаштиришларига имкониятлари кўпаяр эди.

Ўтмишда буюк зотлар телевидение орқали берилётган клиплар ёки сериалларни кўриб билдирли бўлишмаган албатта. У даврларда бундай имкониятлар йўқ эди. Улар китоб мутолаа қилиб, жонли ижро этилган муносиқ асарлардан завқланиб, идрок этиб илм чўққиларини забт этишган. Ҳозирда илм олиш учун барча шароитлар керагидан-да зиёд этиб яратилган. Ёшларимиз ҳали шундай кашфиётлар қилсинларки, дунёда ўзбек тилини ўрганишга эҳтиёж кучайсин. Булар хом хаёл эмас. Ахир Имом Бухорий, Улуғбек, Ибн Сино, Навоий, Бобур ва бошқа кўплаб алломаларимизнинг иждоҳларини ўрганишган ва бугунда ҳам бу жараён иштиёқ билан давом этмоқда. Шундай экан «Чет тилларини

ўқитиш дастури»га хориж адабиёти дурдоналарини киритсак. Майли, бошланишида кичик-кичик эртақлардан, ҳикоялардан фойдаланайлик. Аста-секин ўқилган асарлар қаҳрамонлари иштирок этган саргузаштли адабиётларни ўқитишда давом этилса, мақсада мувофиқ бўлади. Масалан, инглиз адабиётининг «Гарри Поттер ва сеҳрли тош», «Гарри Поттер ва махфий хужра» каби саргузаштли ҳикоялари, шунингдек Ш.Бронте, В.Шекспир, Г.Бичер Стоу, Жон Бойнтон, Сомерсет Мозам ва бошқаларнинг дурдона асарларини ўқитиб бораёлик. Энг муҳими, илмга чанқок ёшларимизнинг хорижий тилларни мукамал ўзлаштиришга иштиёқлари катта. Айтиладиларку тил ҳар бир миллатнинг кўзгусидир, уларни бирлаштирувчи улғу кучдир. Тил билган эл танийди.

Замира АБДУЖАББОРОВА, Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг магистранти

«Ташаббус — 2007»

САРАЛАРИ АНИҚЛАНДИ

СЕРГЕЛИ ТУМАНИДА БЎЛИБ ЎТГАН ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ УЧУН «ТАШАББУС-2007» КЎРИК-ТАНЛОВИНИ КИРИШ СЎЗИ БИЛАН ОЧГАН ТУМАН ҲОКИМИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИ ФАЗЛИДДИН ИҚДРОМОВ ИШТИРОКЧИЛАРНИ АНЪАНАВИЙ ТАДБИР БИЛАН ҚИЗГИН ҚУТЛАБ, БЕЛЛАШУВДА ҲАММАГА ОМАД ТИЛАДИ.

Шуниси қувонарлики, жорий йилда туманда ўтказилган ушбу тадбир иштирокчилар сафи кенгайиб, 18 нафар тадбиркор ва 12 нафар хунарманд «Энг яхши хунарманд» ҳамда «Энг яхши тадбиркор» номинацияси бўйича ўзаро куч синашдилар. Шу ўринда гигиена маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйган «Олис-плюс», мебель тайёрлаётган «Мебель-дента», тикувчилик маҳсулотлари билан ички бозорни таъминлашда ҳисса қўшаётган «Гулшана текстиль», кўплаб турдаги пайпоқларни экспорт қилаётган «Файса-текстиль» хусусий корхоналарини, хунармандлардан миниатюрачи рассом Карим Қодиров, зардўз Камола Субхонова, ёғоч уймақори Равшан Зиёев, рассом Неймат Ҳақимовларни алоҳида таъкидлаш аримайди.

— Кўргазмага қўйилган турфа маҳсулотлар ва хунармандчиликнинг ноёб ҳамда тақдорланмас кўринишлари билан танишар эканмиз, — дейди кўрик-танлов ҳайати раиси, «Сиб Акбар» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Насрулла Абдувалиев, — чин дилдан қувондик. Бу, албатта, тадбиркор ва хунармандларимиз фаолиятида, изланишларида ҳукуматимиз ва Президентимиз кўрсатаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Баҳолашда эса ҳар бир иштирокчининг ўзига хос қирраларига эътибор қаратдик.

Кўрик-танлов якунига кўра тадбиркорлик йўналиши бўйича ўзининг танга роҳат чой маҳсулотлари билан ном қозонган «Вестон жернерал трединг» шўъба корхонаси раҳбари Абдулхалил Муҳаммад Осиф 1-ўрин, «Интер сок» қўшма корхонаси директори Юрий Нуритдинов 2-ўрин, «Файса-текстиль» хусусий корхонаси раҳбари Файзулло Толипов 3-ўринни эгаллаган бўлса, хунармандчилик бўйича ёғоч уймақори Равшан Зиёев 1-ўрин, миниатюрачи рассом Карим Қодиров 2-ўрин, рассом Неймат Ҳақимов 3-ўринни забт этишди.

МЕҲНАТЛАРИГА ЯРАША РАҒБАТ ОЛИШДИ

ЧИЛОНЗОР ТУМАНИДА ҲАМ ТАШАББУС КЎРСАТАЁТГАН, МЕҲНАТЛАРИ МАХСУЛИ БИЛАН ХАРИДОРЛАРНИ МАМНУН ЭТАЁТГАН, ХОРИЖ ТОВАРЛАРИ БИЛАН БЕМАЛОЛ РАҚОБАТЛАША ОЛАДИГАН БОЗОРБОП МАХСУЛОТЛАР ТАЙЁРЛАётган ТАДБИРКОРЛАР САФИ ТОБОРА КЕНГАЙИБ БОРАЁТгани «ТАШАББУС — 2007» КЎРИК-ТАНЛОВИДА ЯНА БИР БОР ИСБОТИНИ ТОПДИ.

Эътиборли томони эса туманда фаолият кўрсатаётган 4 мингдан зиёд тадбиркору хунармандлар орасидан саралаб олинган иштирокчиларнинг кўпчилиги ушбу тадбирнинг илк иштирокчилари бўлганликлари сабабли қизиқиш ҳам, ҳаяжон ҳам ўзгача бўлди. Катнашчиларнинг сафи кенгайгани эса кўрик-танлов аҳамиятини янада юксалтирган, гоилибликка интилиш ҳам юқориликка таъсир этди, албатта. Кўрик-танловда 32 нафар тадбиркор ҳамда 13 нафар хунарманд иштирок этганлиги ҳам буни яққол исботлаб турибди.

Ҳар бир иштирокчи тадбиркор ёки хунарманд билан суҳбатлашар эканмиз, «Ташаббус» ҳақида тўлқинланиб гапирди, бундай эътибор фақат муваффақият сари ундашини ҳам алоҳида таъкидлашди.

— Тадбиркорларни бежизга иш қўзини биланлар, дея таъриф беришмайди, — дейди эл саломатлиги йўлида қайғуриб, турли дори воситалари тайёрлаш йўлида тинмай ишлаётган «RADIKS» илмий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари ўринбосари Комил Қосимов, — буни ўз фаолиятимизда ҳам яққол қўришимиз мумкин. 2003 йилда 3 та дори ишлаб чиқариш билан иш бошлаган бўлсак, қисқа давр мобайнида уларнинг тури 92 хилга етказилди. Биргина 2007 йилнинг ўзида 300 миң долларликка яқин дори воситаларини Афғонистон давлатига экспорт қилиш ниятида-миз. Жорий йилнинг қисқа даврида 32 миң долларлик маҳсулотни уларга етказиб бердик. Ҳозирда эса янги лойиҳа устида ишляпмиз. У амалга ошса, 100 нафардан зиёд ишчи ўринлари яратилиб, янги турдаги дорилар ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Мақсадимиз эса эл-юрт саломатлигини мустаҳкамлашдир.


Яқингинада иш бошлаган «AMIN-MEBEL», «OFARIN-TEKS» ва бошқа масъулияти чекланган жамиятлари фаолияти ҳам мақтовга лойиқ. «AL-TASH» қўшма корхонасининг эса ички бозорда ўз ўрни бор. «SHIRIN DUNVO» тадбиркорлари аҳоли дастурхонини беэзамоқда. Энди беллашув якунлари хусусида тўхталадиган бўлсак, ҳайъат аъзоларининг хулосаси қуйидагича бўлди. Унга кўра энг саралар аниқланиб, 1-ўрин соҳибига «Энг яхши тадбиркор» номинацияси голиби деб «RADIKS» илмий ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Пўлат Қаюмхўжаев топилди. «Энг яхши хунарманд» номинацияси эса ёғоч уймақори Қаҳрамон Шомансуровга насиб этди. Уларнинг муваффақияти таширф буюрганларини эмас, балки туман аҳлини ҳам мамнун этиши, шубҳасиз.

Шарофат БАХРОМОВА



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Икки каро пул, чекибон дастранж, Яхшироқ андинки, шах инъоми ганж. Уз меҳнати билан топилган икки чақа шох берган Бутун бир хазинадан яхши.



РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАН ИЛК ЙИЛЛАРДАНҚА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ БОШЧИЛИГИДА УНИБ-ЎСИБ

Болалар спорти
МАНЗИЛЛИ ДАСТУРЛАР ВА ПУХТА РЕЖАЛАР АСОСИДА

қроғоза тушириб олишга ҳаракат қилдик. Сиз ҳам бир назар ташланг, азиз газетхон, қилинган саъй-ҳаракатларга яраша ўтган Ҳомийлар ва шифокорлар йилида амалга оширилган ишларнинг натижаси ҳақиқат эъза, олдидан эса бундан-да аниқ режалар навбат кутиб турибди.

— Шаҳримизда болалар спортини ривожлантириш, унинг моддий-техника базасини такомиллаштириш, ёшлар ўртасида оммавий спорт тadbирларини ўтказиш, уларни оммавий спорт турларига кенг қўламда жалб этиш, истеъдодли ёшларнинг мунтазам спорт билан шуғулланишлари учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш бўйича бир қатор тadbирлар ва амалий ишлар баҳарилди, дейди суҳбатдошимиз.

— Бугунги кунда Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тизимида 307 та умумтаълим мактаблари, 10 та махсус мактаб, 9 та мактаб-интернат, 497 та мактабгача таълим муассасалари, 20 та ўқувчилар ижодиёти марказлари, 25 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 4 та Болалар ва ўсмирлар жисмоний тарбия клублари ва 5 та оммавий сузишга ўргатиш сув хавзалари фаолият юритмокда.

Хозирги кунда умумтаълим мактабларининг 1-11-синфларида ўқитган 341525 нафар ўқувчилардан 331588 нафари жисмоний тарбия фани дарсларида спорт билан шуғулланмокда. Шулардан 140627 нафари дарсдан ташқари мунтазам спорт секцияларига жалб этилган бўлиб, бу эса умумий ўқувчилар сонига нисбатан эса 41,2 фоизни ташкил этади.

Шунингдек, шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тизимидаги 497 та мактабгача таълим муассасаларида 84557 нафар тарбияланувчи учун 591 та спорт секциялари ташкил этилган бўлиб, уларга 11657 нафар тарбияланувчилар жалб этилган.

Пойтахтимиздаги мавжуд 117 та ўрта махсус касб-ўнур коллежлари ва лицейларида тахсил олаётган 99112 нафар талабалардан 64521 нафари (65,1 фоиз) мунтазам спорт секцияларига жалб этилган. Жами талабаларнинг 45952 нафарини қиз болалар ташкил этиб, улардан 18298 нафари (39,8 фоиз) спорт билан мунтазам равишда шуғулланиб келмокда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки Тошкент шаҳрида 2003-2006 йилларда жами 11 та болалар спорт мактаблари янгитдан қурилиб, фойдаланишга топширилган. Хозирги кунда фаолият қўрсатаётган болалар спорт мактабларида жами 154 та спорт секциялари ташкил этилган бўлиб, уларга 4786 нафар ўқувчи-ёшлар жалб этилган. Шу жумладан мавжуд спорт секцияларига жалб этилган қизлар сони 1836 нафарини, яъни 34,2 фоизни ташкил этади.

Шунингдек, ўтган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида, шаҳар маҳаллаларида истеъмол қилаётган, ички ишлар бошқармаси рўйхатида турuviчи волега етмаган ёшлар ўртасида спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси, эстафета ўйинлари мусобақалари дастури «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши «Маҳалла умидлари» маркази, Тошкент шаҳар ИИББ бошқармаси билан биргаликда ишлаб чиқилиб, йил давомида ўтказилиб келинди.

ри «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши «Маҳалла умидлари» маркази, Тошкент шаҳар ИИББ бошқармаси билан биргаликда ишлаб чиқилиб, йил давомида ўтказилиб келинди. Айниска «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда Собир Раҳимов туманида жойлашган «Намуна» болалар спорт мактабига мусобақат кўрсатиш мақсадида истикомат қилаётган 13-15 ёшли ўсмир ёшлар ва ички ишлар профлактика рўйхатида турувчи волега етмаган ёшлар ўртасида спортнинг эстафета тури мусобақалари, «Егиз тизил — 2006» спорт мусобақалари низомига мувофиқ туманларда жойлашган болалар спорт мактабларига даъғи дам олиш оромгоҳларига бормаган, маҳаллаларда истикомат қилаётган 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўғил болалар ва қизлар учун спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, футбол, сузиш ҳамда «Кувнок эстафета» ўйинлари мусобақалари ташкил этилиб, бу тadbирларга 1892 нафар ўқувчи ёшлар жалб этилди ва барча мусобақалар кўтаринки рўхда ўтказилди. Ғолиб бўлган иштирокчилар

верситет кўчасидаги «Ёшлик» спорт аренаси реконструкция қилиниб жамгарма томонидан 27,0 миллион сўмлик спорт анжомлари билан таъминланди. Шунингдек, Университет кўчасида 21х50 ўлчамли ёпик сув хавзаси қурилиб жамгарма томонидан 17,0 миллион сўмлик спорт инвентарлари, Техника университетини худудидagi болалар спорт мактабига (24х48 спорт зал, 11х25 ёпик сув хавзаси билан) қурилиб, жамгарма томонидан 58,5 миллион сўмлик спорт анжомлари билан таъминланди. Спорт иншоотларида сўнгги пардозлар, ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш ва жиҳозлаш ишлари ниҳоятга етказилди.


Чилонзор туманидаги «Хирмонтепа» маҳалласидаги 44-ўйга қўшимча қурилган бинода қурилиш-таъмирлаш ишлари, Яқкасарой туманидаги 319-мактаб спорт майдончаларида қурилиш-таъмирлаш ишлари якунидани. Бундан ташқари маҳаллий ҳокимият ва ҳомийлар томонидан 2006 йилнинг 1-чорагида Ҳамза тумани футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернати худудидagi II-ТИП, Яқкасарой тумани Қўшбеги мазсесидagi «Қўшбеги» болалар спорт мактабига ва ўтган йилнинг 3-чорагида Учтепа тумани, Сақкокий кўчаси, Жужоний маҳалласида янги болалар спорт мактаблари қурилиб фойдаланишга топширилди.

Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси Марказий Бошқаруви томонидан Тошкент шаҳар Халқ таълими Бошқармаси тизимидаги умумтаълим ва спорт мактабларида тахсил олаётган ҳам таъминланган оила-ларнинг спорт билан мунтазам шуғулланаётган I-XI синф ўқувчиларига 150,0 миллион сўм миқдоридagi спорт формалари, оёқ кийимлари ва бош кийимлари билан таъминланиш режалаштирилган бўлиб хозирги кунда белгиланган маблағлар тўлиқ равишда туманларга тарқатилди.

Мана, Ижтимоий ҳимоя йилининг ҳам қилиб келганга икки ой бўлапти. Биз ҳам ушбу йилни катта мақсад ва юксак масъулият билан кўтириб олдик. Албатта соҳадаги муаммо ва камчиликлар ечимига диққат-эътиборимизни қаратган ҳолда иш режамизни белгилаб олдик. Ва шунга мувофиқ катта мақсадлар билан иш олиб борамиз. Айтмоқчимки, мақсадимиз болалар жисмоний тарбияси ва спортини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш, ёш авлод қалбида спортга меҳр уйғотиш, уларнинг соғлом, бақувват, Ватанга садоқатли бўлиб волега етишларига ҳисса қўшишдир.

Зеро — эртанимиз, келажакимиз ёш авлоднинг баркамол бўлиб волега етиши болгик экан, фарзандларимизнинг жисмонан ва маънан комилликка эришиши бизнинг ҳам зиммасиздир. Шундай экан ҳар биримиз ушбу масъулиятдан, виждоний ўй-ғоқликдан четда турмайлик.

Шоира МУҲАММЕДОВА СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳар болалар спортини ривожлантириш жамгармаси фаолиятдан лавҳалар



мўлжалланган иш режасига мувофиқ спортнинг волейбол, баскетбол, шахмат-шашка, қўл тўпи, футбол, бадий гимнастика ва эстафета турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Шаҳримизда янги қурилиб фойдаланишга топширилган барча спорт мактаблари болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси Тошкент шаҳар филиали томонидан бошқариб-бошқариб спорт анжомлари билан таъминланмокда. Мисол келтирадиган бўлсақ М.Улуғбек туманида жойлашган «Умид» болалар спорт мактабига пойтахтимиздаги 25 та Болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 4-сонли Болалар ўсмирлар жисмоний тарбия клуби, 5 та оммавий сузишга ўргатиш сув хавзаларига болалар спортини ривожлантириш жамгармаси томонидан 32.164.030 сўмлик спорт анжомлари тарқатилди.

Шунингдек, ўтган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида, шаҳар маҳаллаларида истеъмол қилаётган, ички ишлар бошқармаси рўйхатида турuviчи волега етмаган ёшлар ўртасида спортнинг шахмат-шашка, стол тенниси, эстафета ўйинлари мусобақалари дастури «Камолот» ЕИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши «Маҳалла умидлари» маркази, Тошкент шаҳар ИИББ бошқармаси билан биргаликда ишлаб чиқилиб, йил давомида ўтказилиб келинди.

Зеро, юқорида таъкидлаб ўтилган Фармон ва қарорлар юртимиз эртаси бўлган ёшларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, болалар спортининг узлуksизлиги ва оммавийлигини таъминлашга жиҳмат қилмокда.

Шу ўринда ҳақиқат билан айтиш мумкин, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган ушбу жамгарма бугунги кунда қандай ишларни амалга оширмокда, ўз зиммасидаги масъулиятни қўқур ҳис этиб унинг ижросини қай тарзда ундамоқда? Биз мана шундай саволларни дилимизда го қилган ҳолда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси Тошкент шаҳар филиали директори Аскар Тўлибжонов ҳузурида бўлдик. Спортчиларга ҳос теълик, нақсонлик, аниқ фактларга суянган ҳолда берилган жа-вобларни эса имкон қддар тўлалигича

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг Универсал биржа маркази» МЧЖ, 2007 йил 15 март кўни соат 11:00да «Ўзбекистон банклари Ассоциацияси» биносида ўтказиладиган оғиқ аукцион савдоларига қўйиладиган шартларни қўймокда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАВКУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ ФУҚАРО МУҲОФАЗАСИ ИНСТИТУТИ КАФЕДРА БОШЛИГИ ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Номзодларнинг кимё, физика, геология ва минералогия, қурилиш, гидро-техника, экология мутахассисликлари бўйича илмий даражага, илмий унвонга ва педагогик иш тажрибасига эга бўлишлари ҳамда давлат ва рус тилларида эркин сўзлаша олишлари талаб этилади.

Телефонлар: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56. Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кўнлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

«Ўзбек Давлат цирки» республика бирлашмаси Тошкент Давлат цирки 2007 йил 10 февралдан бошлаб Хар бир ШАНБА ва ЯҚШАНБА кўнлари соат 12.00 ва 15.00 да

Мунажжим башорати

ИСТЕЪДОДИНГИЗНИ НАМОЁН ЭТИНГ 21 ФЕВРАЛЬ, ЧОРШАНА Бугун Кўёш балиқ буржининг 3-даражасида бўлади ва бу ҳолат ҳар қандай вазиятда ўз билим ва қобилиятинизни ишлата олишимиз билан болгидир. Бугунги кун, шунингдек, ўзимизга қатъий руҳий кўрсатмалар бер-иш ва олдидан ишлаб чиқилган режа асосида яшашга ури-нишдан воз кечиниш тақозо эта-ди. Зеро, ҳар қандай режа ва тах-минларимизнинг факат акси бўлиб чиқishi мумкин.

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32